Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 18 январь, шанба • № 6 (10.884) • Эркин нархда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЧЕХИЯ ВА СЛОВАКИЯГА САФАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Чехия ва Словакия президентларининг таклифларига мувофиқ Оврупо марказидаги ана шу мамлакатларга расмий ташриф билан борди. Ташриф 14 январда Чехия пойтахти Прагадан бошланди. Республикамиз Президентини Чехия бош вазири Вацлав Клаус Прагадаги ҳукумат уйида тантанали равишда кутиб олди. Сўнг И. Каримов ва В. Клаус ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Кейин Ўзбекистон раҳбари ва Чехия бош вазири иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари бошланди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Чехия ўртасида срмояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Мамлакатимиз раҳбари Чехия сенати ва вакиллар палатасига борди. Чехия раҳбарияти Марказий Осиёдаги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор мамлакат — Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни янада равнақ топтириш истагини билдирди. Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши Ўзбекистоннинг Оврупа Иттифоқи билан интеграциялашуви йўлидаги яна бир муҳим омил эканлигини таъкидлади. Унинг бу фикрини Чехия президенти Вацлав Гавел ҳам тўла маъқуллаб, Оврупа Иттифоқининг жаҳон сиёсий ва иқтисодий ҳаётида тутган ўрнига юқори баҳо берди.

Сафардан кўзланган асосий мақсад ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни жонлантиришда ҳар икки мамлакат ишбилармонларининг ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш эди. Президент Ислом Каримов ташрифнинг учинчи куни Кайзерштайн саройида Чехия ишбилармон доиралари вакиллари билан мулоқотда бўлди. У, шунингдек, бир неча корхоналарга бориб, улар фаолияти билан яқиндан танишди.

Мамлакатимиз раҳбари 16-17 январь кунлари Словакияда бўлди. У Словакия президенти Михал Ковач, бош вазир Владимир Мечьяр ва бошқа раҳбарлар, ишбилармонлар билан учрашди. Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Словакия ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Чехия ва Словакияга қилган расмий сафари мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши йўлида янги бир босқич бўлди.

## ЎЗБЕКИСТОН ГЕОЛОГЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Сизларни Ўзбекистон геология хизмати ташкил этилганининг 70 йиллиги билан чин кўнгилдан табриклайман.

Ўзбекистонимизни дунёга машҳур этган омиллардан бири — унинг ғоят бой минерал-хом ашё ресурслари эканини барчамиз яхши биламиз. Заминимизда юздан ортиқ қазилма бойлик турлари аниқланиб, 940 та кон фойдаланишга тайёрланди. Топилган заҳиралар асосида 400 дан зиёд йирик корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Навоий ва Олмалиқ комбинатлари каби рангли металлургия гигантлари борки, номини бутун олам аҳли яхши билади.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳонда олтин заҳиралари бўйича тўртинчи ўринда, олтин қазиб олиш бўйича эса еттинчи ўринда туради. Марказий Қизилқум саҳроларида очилган Мурунтов кони XX асрнинг энг йирик кашфиётларидан бири деб баҳоланган.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб, геология ва кончилик иқтисодиётнинг энг устивор соҳаларидан бири деб эълон қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига муҳим ҳисса қўшаётган янги комбинатлар ва қўшма корхоналар барпо этилди.

Азиз дўстлар, геолог ва кончилик энг оғир ва энг шарафли касблардан биридир. Шуни яхши англашингизни истардимки, не-не синовлар ва машаққатли меҳнат билан кечаётган ва иқтисодиётимизни янада мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятингизни Ватанимиз, халқимиз юксак қадрлайди ва муносиб баҳолайди.

Сизларни Ўзбекистон геология хизматининг 70 йиллиги билан яна бир бор самимий муборакбод этаман. Янги-янги кашфиётлар билан Ўзбекистон довруғини дунёга янада кенгроқ таратишингизга ишонаман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайман.

**Ислом КАРИМОВ.**




## САФЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

БИР йиллик муддат ичида яратилган мўъжиза — Кабул-Тўйтепа-текстиль қўшма корхонаси ишчиларининг сафи янада кенгайди.

Фабрика очилган кунлари Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Оҳангарон туманлари, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари ёшларини ўз бағрига олган эди.

Яқинда ип йигирувчилар қаторига Оққўрғон тумани йигит-қизлари ҳам қўшилишди. Туман меҳнат биржасининг саъй-ҳаракатлари билан улар ҳар куни махсус автобусда ишга қатнамоқдалар.

*Саид САИДАҲМЕДОВ.*

## МЕНИНГ ДЎСТИМ «ЗИНГЕР»

ТЎЙТЕПА шаҳридаги «Тонг» ҳиссадорлик жамияти аъзолари чит, сатин матоларидан тикаётган кийимлар тобора харидоргир бўлмоқда. Каромат Салимбоева, Иноят Маназарова, Маърифат Ҳайдарова, Малоҳат Бегматова сингари илғорлар меҳнат қилаётган жамият «Истиқбол» жамоа хўжалиги, «Гулистон» ва Ким Пен Хва номли корпорациялар буюртмасига мувофиқ қишбоп ишчи кийимлари тайёрлаб берди. Шунингдек, улар бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон андозасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун Олмониянинг «Зингер» фирмаси вакиллари билан шартнома тузишга келишишди. Ушбу ҳамкорлик натижасида эркаклар кўйлаги тикиш режалаштирилмоқда.

*Усмонали ҲАМИДОВ, Ўртачирчиқ тумани.*

## «ЭКОСАН»НИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

ОҲАНГАРОН ўрмон хўжалиги тасарруфида 115 минг гектар майдон бор. Табиатни, унинг ҳайвонот ва наботат оламини муҳофаза қилиш борасида анчагина муваффақиятлар қўлга киритилган. Сўнгги йилларда бу ерда 60 гектар майдонда ўрмон ташкил қилинди. Тоғ ўрмонларидан ўн тонна доривор гиёҳ ва мевалар йиғиштириб олинди.

— Жамоамизга яна бир масъулиятли вазифа юкланди, — дейди ўрмон хўжалиги директори Анвар Шамсуддинов, — ҳатто, хорижликларни ҳам қизиқтириб қўйган тоғ арчаси ва ерга қараб ўсадиган тут дарахтларимизга бугунги кунда талаб тобора ортиб бормоқда. Эндиликда «Экосан» халқаро ҳайрия жамғармаси тоғ арчаларини кўплаб етиштириш ва республика ўрмонларида ёппасига экиб ўстириш учун молиявий ёрдам берадиган бўлди.

*Жамол АЛИЕВ.*

## ДАСТУР АСОСИДА САБОҚ

БУ ЙИЛ Янгийўл туманида 850 гектар майдонда плёнка тагида Андижон усули асосида пахта етиштирилади. Ҳозирги кунда қайси хўжаликда, қайси бригаданинг қанча гектар майдонида янги усулда пахта етиштирилиши белгилаб олинган. Жумладан, «Ниёзбош» жамоа хўжалигида 100 гектар, А. Ортиқов номли хўжаликда ҳам шунча гектар майдонга плёнка тагига чигит экилади.

Андижон усулининг муваффақияти, табиийки, экиш гуруҳи аъзоларининг маҳорати, тайёргарлигига боғлиқ. Туманда бу масалага алоҳида эътибор берилиб, машинасинаш станциясида махсус дастур асосида ўқув амалий машғулотлари бошлаб юборилди. 15 та экиш гуруҳи аъзолари Андижон усулининг моҳияти билан пухта танишмоқда. Ўқув машғулотларини малакали мутахассислар олиб бормоқда.

*Носир ИСАЕВ.*

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

### ДЎСТЛИК УЮШМАСИ СОВРИНДОРЛАРИ

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар кундан-кунга ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Бу алоқаларни яхши йўлга қўйишда «Япония — Ўзбекистон» дўстлик лигаси жамғармаси ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу жамғарма Япония парламенти ҳузурида тузилган. Дўстлик лигаси жамғармаси Ўзбекистоннинг бир қанча иқтидорли талаба ва ёш илмий ходимларини тақдирлашга қарор қилди. Улар мукофотга самарали илмий изланишлари, япон тилини пухта ўзлаштириш борасида эришган ютуқлари туфайли сазовор бўлдилар. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган, илмий-тадқиқот институтларида ишлаётган 20 нафар ҳамюртимиз жамғарманинг махсус стипендияларини олдилар. Мукофотларни Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Коиучи Обата тантанали равишда топширди. Элчи Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги алоқалар ғоят қадимий эканлиги, тарихда уларни Буюк Ипак йўли савдо-сотиқ орқали боғлаганлигини эслатди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу алоқалар янгича мазмун касб этди. Иккала мамлакат ишбилармонлари, маданият арбоблари бир-бирлари ҳузурига ташриф буюрмоқдалар, бир-бирларининг санъатларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Жумладан, яқинда Тошкентда япон халқ ўймакорлиги ва наққошлик санъатининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

### ЎЗБЕК ОЛИМИНИНГ ЖЕНЕВАДАГИ МАЪРУЗАСИ

ЯҚИНДА Швейцария пойтахти Женевада Оврупода хавфсизлик ва тинчлик масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлди. Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан, бошқа давлатлардан кўплаб олимлар қатнашди. Илмий анжуманга Ўзбекистондан тарих фанлари доктори, профессор Тельман Сатторов таклиф қилинган эди. Ҳамюртимиз халқаро анжуманда «Ўзбекистон ва МДҲ» мавзусида маъруза билан чиқди. Унинг бугунги Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти, яқин қўшнилари билан муносабати, Орол муаммоси ва уни бартараф этиш соҳасида кўрилаётган тадбирлар ҳақидаги сўзлари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбек олими Марказий Осиёнинг бугунги бир қатор жиддий муаммоларига халқаро илмий жамоатчилик эътиборини қаратди.

### «ҚАРДОШ АДАБИЁТЛАР» САҲИФАЛАРИДА

ТУРКИЯДА нашр этиладиган «Қардош адабиётлар» журнали дунёнинг қатор мамлакатларида ўз ўқувчиларига эга. Бу журнал кўп йиллардан буён туркий халқлар адабиётлари муаммоларини ёритиб келади. Журналнинг 35- ва 37-сонларида таниқли ўзбек шоирлари Эркин Воҳидов ва Ҳусниддин Шариповлар ижодига бағишланган мақолалар ва уларнинг асарларидан намуналар эълон қилинди.

Туркияда «60-йиллар ўзбек шеърияти антологияси»нинг дастлабки жилди ҳам нашрга тайёрланмоқда.

### АВСТРИЯДА ДИЁРИМИЗ ҲАҚИДА

ЯҚИНДА Австрия пойтахти Венада «Ахборот маркази» очилди. Бу марказ Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё республикалари ҳаётига оид энг сўнгги ахборотларни бериб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бинобарин, эндиликда австрияликлар ва бу ерга келувчи кўплаб хорижлик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида ана шу марказдан хоҳлаганча маълумот олишлари мумкин.

Янги ахборот марказининг очилиш маросими тантанали ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари вакиллари, дипломатлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

*1997 йил 7 январь куни Республикамиз Президенти «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. 13 январь куни эса ушбу жамғарманинг ташкилий тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Фармон ва қарор матнлари матбуотда эълон этилди.*

## «УМИД ЁРКИМ, ЕТГАЙМИЗ...»

*Дилда бори, тилга чиқар*

Одатда, қарор сўзсиз ижро этилиши керак. Шундоқ бўлгач, уни шарҳлаб ўтириш ноўрин эмасмикан? Бизнингча, ҳар қандай қарор ёки фармонни ҳар бир киши ўзича тушунади ва ўзича талқин қилади. Яъни, ҳар ким ўзича шарҳлайди. Айниқса, Республикамиз тақдирига алоқадор қарор бўлса, бирпасда кўпчиликнинг диққат-эътиборини дарҳол ўзига тортади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида эслатиб ўтилган қарори ҳам аҳолини бефарқ қолдирмади: буюк келажагимизни яратиш йўлида дадил қадам ташланганини эътироф этмоқ лозим. Қарорнинг маъмурий идораларга тегишли моддалари, албатта, ўз вақтида бажарилади. Фақат қарорнинг ўзини бажариб, энди ишлар «беш» бўлди деб, хотиржамликка берилмасдан, айни пайтда узлуксиз ҳаракат бўлишини таъминлаш ҳам лозим. Хўш, узлуксиз ҳаракат деганда нималарни назарда тутяпмиз?

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг биринчи моддасида: «Бир қатор вазирликлар, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қўшма компаниялар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамғармага моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин», дейилади. Бизнингча, қарорнинг «узлуксиз ҳаракати»ни таъминлайдиган қудрат худди ана шу модда замирида ётибди. Яъни, иқтидорли ёшларни чет элларда ўқитиш фақат давлат зиммасига тушган масъулиятли вазифа бўлиб қолмаслиги лозим. Бу қутлуғ соҳага Республикамиздаги моддий жиҳатдан оёққа туриб олган барча тадбиркорлар, ишбилармонлар, хусусий корхоналар ўз улушини қўшсалар, савоб бўлади. Савобдан ташқари, ўша жабҳадаги тизимлар орадан маълум вақт ўтгач, сарфлаган харажатларини ортиғи билан қоплаш имкониятига эга бўладилар — чет эллардан юқори малакали мутахассис бўлиб қайтган касб-ҳунар эгалари муайян бир соҳани жаҳон иқтисоди даражасига кўтарилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Албатта, унгача орадан маълум муддат ўтади. Лекин, ёшлар учун сарфланган маблағ асло ерда қолмайди. Республикамиз саноати юксак даражада ривожланган мамлакатга айланади. Ҳозирча бу яхши ният. Яхши ният рўёбга чиқиши учун фақат эртага ёки индинга соф фойда келтирадиган соҳаларга эмас, балки, келажакда бутун мамлакатимиз иқтисодини, ижтимоий ҳаётини илғор «Осиё арслонлари» қаторига қўша оладиган кучга эга бўлган — ёшларимизга сарфланиши даркор. Зотан, ақлий (интеллектуал) бойлик ҳам миллий бойлик ҳисобланади. Миллий бойлигимиздан унумли фойдаланишни ўрганайлик, унинг қадрига етайлик. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий сарф-харажатлар доим давлат ҳисобидан бўлавермайди. Кўпинча «бели бақувват» корхоналар (хусусий ёки жамоа мулки бўлишидан қатъий назар) муқаддас юкнинг бир қисмини ўз зиммаларига олишлари лозим. Ҳозирча бир қатор ташкилотлар юк кўтаришга талабгор бўлибди. Эртага уларнинг юкини ерда қолдирмайдиган камарбаста ташкилотлар пайдо бўлишига ишонгимиз келади.

Иқтидорли ёшларнинг чет элда ўқиши учун маблағ сарфлашга рози бўлган ва шундай таклифлар билан «Умид» жамғармасига мурожаат этадиган ишлаб чиқариш корхоналари янада кўпайиши учун, бизнингча, қандайдир иқтисодий воситалар бўлиши керак. Масалан, «Умид»га маблағ ажратган корхоналар давлат ёки даромад солиқларининг маълум турларидан озод қилинса, сўнг чет элдан малакали касб-ҳунар эгаси бўлиб қайтган кадрлар хизматидан биринчи галда мана шу корхоналар фойдаланиш имтиёзига эга бўлсалар борми, қарс икки қўлдан чиққан бўларди. Ким биринчи бўлиб харажатни кўтарса, истиқлол мевасидан биринчилар қаторида баҳраманд бўлиш тажрибаси ҳаёт синовидан ўтди: Асакадаги «ЎзДЭУ» қўшма корхонаси қурилишига моддий ёрдам кўрсатган (акцияларни ўз вақтида сотиб олган) кишиларга навбатсиз енгил машиналар берилганини ҳозир кўпчилик кўриб турибди. Шундоқ экан, эҳтимол, «Умид» жамғармаси ҳам узоқ муддатга мўлжалланган акция чиқариши мумкиндир? Бу масаланинг молиявий томонларини тегишли идора ходимлари ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди. Ёки айни шу соҳа бўйича илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан ҳам маълум маънода фойдаланиш мумкин.

Биз иқтидорли ёшлар келажакда мамлакатимиз иқтисодини кўтаришига заррача шубҳа қилмаймиз. Шу сабабдан вилоятимиздаги бақувват корхоналарни, сармоядорларни, тадбиркорларни «Умид» жамғармасини амалда қўллаб-қувватлашга даъват этамиз.

Ўйлаймизки, Давлат тест маркази фақат чинакам иқтидорга эга бўлган ёшларнигина чет элга ўқишга юборадилар. Шу ўринда буюк адибимиз Абдулла Қодирий қаламига мансуб бир ҳангомани эслатиб ўтмоқчимиз: 30-йилларда ҳам Ўзбекистондан бир қатор иқтидорли санъаткорлар мусиқадан малакали билим олиш учун Италияга ўқишга юбориладилар. Лекин, уларнинг аксарияти Италиядаги сўлим оромгоҳларда, кўнгилочар гўшаларда вақтларини ўтказиб қайтадилар, холос. Нимани ўрганиб қайтдинг, деб сўрасалар ер чизиб: «Ўзим биладиган нарсалар ҳам эсимдан чиқиб кетди», дейди хорижда таълим олиб қайтган битта санъаткор. Ўшандай кулгили ҳолат такрорланмаслиги учун масаланинг бу томони ҳам унутилмаслиги лозим.

Иқтидорли ёшларимиздан умидимиз катта. Улар Ватанимиз учун нечоғли масъулиятли бўлиб турган дамларда ўқишга кетаётганларини асло ёдларидан чиқармасинлар.

Севимли шоиримиз ибораси билан айтганда:

«Умид ёрким, етгаймиз —
сен билан йироқларга,
Мақсудим ёқиб турган ул
нурли чироқларга».

Сафарингиз бехатар бўлсин, азиз укажонлар, азиз сингилжонлар!

*Н. БОҚИЙ*
*«Тошкент ҳақиқати»нинг шарҳловчиси*

## РАҲБАР ВА МУТАХАССИСЛАР ЎҚУВИ

Тошкент Давлат қишлоқ хўжалиги аграр дорилфунунида Тошкент вилоятидаги жамоа хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳафталик амалий ўқув-машғулотлари бўлиб ўтди. Якуний машғулотда тингловчилар «Қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодига ўтиш», «Ислоҳотлар йўналишида илғор технологиялар ва улардан фойдаланиш», «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш муаммолари» мавзуларида маърузалар тинглашди. Ўқув давомида хориж деҳқончилигининг тажрибалари ҳам ўрганилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Э. Рўзиев нутқ сўзлади.



Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси техникани кўкламги дала ишларига тайёрлаш, таъмирлаш ва сақлаш юзасидан семинар ташкил этди. Унинг асосий мавзуи бу йил туманда 1500 гектар майдонга Андижон технологияси усулида чигит экиш жорий қилиниши муносабати билан агрегатлардан маълум қисмини қайта созлашга қаратилди.

«Қорасув» жамоа хўжалиги ҳудудида ўтган бу семинарда хўжаликлар раҳбарлари, муҳандислар, бош ҳосилотлар иштирок этдилар.

**Суратда: хўжалик бош муҳандиси Раҳим Умарқулов семинар иштирокчилари билан машғулот пайтида.**

*А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.*

